

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЗИМОВА ШОДИЯХОН АБРАРОВНА**

**КЎМИР САНОАТИ ИККИЛАМЧИ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН  
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ЛИТИЙ  
СУРКОВ МОЙЛАРИНИ ОЛИШ**

**02.00.08 - Нефть ва газ кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Азимова Шодияхон Аббаровна**

Кўмир саноати иккиламчи ресурслари билан модификацияланган импорт ўрнини босувчи литий сурков мойларини олиш..... 7

**Азимова Шодияхон Аббаровна**

Получение импортозамещающих литиевых смазок модифицированных вторичными ресурсами угольной промышленности..... 23

**Azimova Shodiyakhon**

Obtaining import-substituting lithium greases modified by secondary resources of the coal industry..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЗИМОВА ШОДИЯХОН АБРАРОВНА**

**КЎМИР САНОАТИ ИККИЛАМЧИ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН  
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ЛИТИЙ  
СУРКОВ МОЙЛАРИНИ ОЛИШ**

**02.00.08 - Нефть ва газ кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1707 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bmti.uz](http://www.bmti.uz)) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Арсланов Шарафутдин Султанович кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ҳамидов Босит Набиевич техника фанлари доктори, профессор Абдурахмонов Олим Рустамович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	И.Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети

Диссертация химояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/28.02.2022.T.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг «20» май 2022 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (+99865)223-68-42; Факс: (+99865) 223-78-84. e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz)).

Диссертация иши билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 370 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (+99865)223-68-42; Факс: (+99865) 223-78-84).

Диссертация автореферати 2022 йил «б» май куни тарқатилади.  
(2022 йил «18» февралдаги № 10 рақамли реестр баённомаси)



Н.Р. Баракаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

Р.Р. Хайитов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, т.ф.д., катта илмий ходим

Х.Б. Дўстов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар  
раиси к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг (PhD) аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бутун дунёда айни пайтда ёқилғи-энергетика соҳаси, кимё, нефть-газ саноатини комплекс ривожлантириш ва энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган ишлар тежамкор мойлаш материалларига эҳтиёжнинг ортишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан бугунги кунда иқтисодиёт ва технология тармоқларининг энергия ресурслари, хусусан мойлаш материалларига тобора ортиб бораётган талабни қондириш муаммоси муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ишлатилган мотор мойларини (ИММ) регенерация қилиш, кўмир саноатининг иккиламчи ресурсларидан экологик жиҳатдан хавфсиз фойдаланиш муаммосини ўрганиш бўйича муҳим илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада пластик сурков мойларини ишлаб чиқариш учун мос хомашёни танлаш, пластик сурков мойларни олиш жараёнининг мақбул ҳарорат режимини тадқиқ қилиш, графитли тўлдирувчиларни қўшиш билан ишлаб чиқилган литий сурков мойларининг хоссалари ва таъсир қилиш механизмларини ўрганиш, кўмир саноатининг иккиламчи ресурслари билан ИММ асосида литий сурков мойларини олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада кимё, металлургия ва нефть ва газ саноатини модернизация қилиш, саноат корхоналарини маҳаллий хомашёга ўтказиш, уларнинг асосида экспортга яроқли янги материалларни ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада шу кунгача маҳаллий хомашё асосида пластик сурков мойларни олиш ва улардан турли саноат тармоқларида фойдаланиш, шунингдек ишлатилган мотор мойларини қайта тиклаш бўйича илмий-амалий натижаларга эришилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар ўз ифодасини топган. Шу муносабат билан қайта ишлашга иккиламчи ресурсларни максимал даражада жалб қилиш самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса импорт ўрнини босиш - республика ҳудудидаги маҳаллий хомашёдан юқори самарали тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳисобига республика иқтисодиётини яхшилашга хизмат қилади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4265-сон қарори, 2018 йил 17 январдаги “Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони

қарори, шунингдек мазкур соҳага оид қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Кимё, кимёвий технологиянинг назарий асослари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ишлатилган мойларни тозалаш ва улар асосида иккиламчи мой ҳамда техник суюқликларни олиш, пластик сурков мойларининг турли таркибларини ишлаб чиқиш, графит кўшимчаларининг литий сурков мойлари хусусиятига таъсирини ўрганиш масалаларига хорижий олимлардан Э.И. Удлер, И.Г. Фукс, В.П. Коваленко, К.В. Рибак, М.А. Григорьев, М.В. Осипов, В.В. Стрельцов, А.П. Картошкин, В.В. Остриков, R.M. Mortier, M.F. Fox, G.Ren, P. Zhang, Б.М. Школьников, И.Н. Шихалев, Г.И. Сорокин, М.Б. Бакалейников, Э.А. Смиотанко, И.Е. Зелькин, С.Б. Шибряев, С.Л. Boner, E.N. Myers, А.А. Аноприенко, С.В. Покровская, Е.В. Юревич, А.С. Скобельцин, Ж.Л. Миронов, Р.Л. Рудник, В.В. Синицин, Ю.С. Виктор, В.В. Мисюра ва маҳаллий олимларимиздан Б.Н. Хамидов, Г.Р. Нарметова, Ш.М. Сайдахмедов, Ф.А. Абдурахмонова, С.Ф. Фозилов, Р.Б. Хожиев, З.В. Нуриллаев, Ф.Ф. Рўзиев, М.Н. Муродов ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотлари бағишланган.

Юқорида санаб ўтилган олимлар томонидан ушбу соҳаларда олиб борилган илмий изланишлар натижасида чиқинди мойларни тозалаш ва улар асосида иккиламчи мой ва техник суюқликларни олишнинг турли усуллари ишлаб чиқилган, мойларнинг турли таркиби аниқланган, уларнинг хоссалари баҳоланган ва ўрганиб чиқилган, графитнинг литий сурков мойларининг хусусиятларига таъсири ўрганилган.

Бироқ, шу кунгача ҳам регенерация қилишнинг мақсадга мувофиқлиги, ишлатилган мойлардан юқори сифатли мойлаш материалларни олиш, нефт чиқиндиларидан фойдаланиш ҳисобига уларни ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, иккиламчи ресурслардан самарали фойдаланиш муаммолари бўйича етарлича илмий изланишлар амалга оширилмаган. Шу билан бирга барча маъумотлар асосан патент ва ахборот-реклама манбаларида келтирилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-12-41 “Энергия ва ресурсларни тежаш ва маҳаллий ва иккиламчи хомашё асосида иссиқликка чидамли ҳамда коррозияга чидамли композицион материалларининг таркиби ва ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш” (2012-2014 йиллар) илмий-амалий тадқиқот лойиҳаси ҳамда ОТ-F7-04 “Шўртон газ-кимё мажмуасининг оралик маҳсулотлари (суюқ олефинлар) асосида олинадиган фаол-функционал бирикмаларнинг

структураси ва хоссалари боғлиқлигини илмий асосларини яратиш” (2017-2020 йиллар) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пластик сурков мойларнинг мақбул таркиблари ва қайта тикланган ишлатилган мотор мойлар ҳамда тўлдирувчи сифатида кўмир саноатининг иккиламчи ресурсларидан фойдаланиб уларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ИММни намлик, тўйинмаган углеводородлар, олтингугуртли ва азотли бирикмалардан тозалаш;

тозаланган ИММ асосида литий сурков мойларининг оқилона таркибий тузилмасини аниқлаш;

графитли тўлдрувчиларни кўшиш билан ишлаб чиқилган литий сурков мойларининг ўзига хос хусусиятлари ва таъсир қилиш механизмини ўрганиш;

юқори триботехник хусусиятга эга графитли тўлдирувчи моддалар билан қайта тикланган ИММ асосида литий сурков мойларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича илмий-техник ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ИММ, кўмир саноатининг иккиламчи ресурслари, Навбаҳор кони бентонити олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ИММни тозалаш, литий сурков мойларининг рационал компонентли таркиби, графитли тўлдирувчи қўшилган литий сурков мойларининг хусусиятлари ва хоссалари ташкил этгаган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида ИММ ва сурков мойлари учун давлат стандартлари ва ТУга мувофиқ стандарт таҳлил методлари ҳамда физик-кимёвий таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

ишлатилган мотор мойларини намлик, тўйинмаган углеводородлар, олтингугуртли ва азотли бирикмалардан тозалашда бентонитнинг фракцион таркиби 0,073-0,25 мм ва ҳарорат интервали 80-120°C бўлган мақбул режим аниқланган;

литий сурков мойларининг қайта тикланган ишлатилган мой ҳамда базавий мойнинг 30:70 нисбати ва дисперс муҳитнинг дисперс фазасига 80:20 нисбатидан ташкил топган энг мақбул таркиби ишлаб чиқилган;

тўлдирувчи сифатида турли дисперсликдаги ва 4% концентрацияли графитдан фойдаланиш орқали литий сурков мойларининг триботехник хусусиятларини оширишнинг принципиал имконияти исботланган;

шикастланиш шароити муддати чекланган бўлганда сурков мойларидан фойдаланишда графит қўшимчаларининг дисперслилиги “металл-мой-металл” учлиги ишқаланишининг триботехник хусусиятларига деярли таъсир кўрсатмаслиги, мой узоқ вақт давомида ишлатиладиган ишқаланиш узелларида эса графитнинг майда дисперсли қўшимчалари эскиришга қарши хусусиятларнинг юқори даражада бўлишини кафолатлаши аниқланган;

литий сурков мойларини ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологик

схемаси кўндирма ва тўлдирувчиларни тайёрлаш учун кўшимча қурилмани кўшиш билан модернизацияланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ИММларни регенерация қилишнинг мақбул режими ишлаб чиқилган; литий сурков мойининг дисперс муҳити сифатида тозаланган ИММ ва қуйилтирувчилар сифатида дисперс фазадан ташкил топган рационал таркиби ишлаб чиқилган;

графитли тўлирувчилардан фойдаланиш орқали литий сурков мойларининг триботехник хусусиятларини ошириш методи ишлаб чиқилган;

графитли тўлдирувчили литий сурков мойларини ишлаб чиқариш технологик линиясининг схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** аналитик, физик-кимёвий таҳлил, лаборатория тажрибалари, ишлаб чиқариш синовлари натижалари ҳамда фаоллаштирилган кўмирлар ишлаб чиқаришнинг амалдаги стандарт талаблари бўйича аниқланганлиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маълум назарий ёндошувлар, трибология фанига оид билимлар асосида ИММдан пластик сурков мойларининг дисперс муҳитини олиш усулининг асослаш, тозаланган ИММнинг дисперс муҳити ҳамда қуюқлаштирувчи моддалар кўринишидаги дисперс фазадан ташкил топувчи мойларнинг рационал таркибини аниқлаш, асосланган ечимларни инobatга олган ҳолда таркибидаги тўлдирувчи сифатида кўмир саноатининг иккиламчи ресурсларидан фойдаланилган инновацион мойлаш материални таклиф қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ИММ ҳамда Ангрен кўнғин кўмири чангини утилизация қилишнинг долзарб масаласи ечим топишидан иборат. ИММни қайта ишлатишнинг бошқа усуллари (утилизация қилиш, иккиламчи мой сифатида қайта тиклаш, ёқиш)дан фарқли тарзда уни мойлар учун дисперс муҳит сифатида ишлатиш 100 % чиқиндисиз жараён бўлиб, мазкур сурков мойини ишлаб чиқариш сезиларли ҳам иқтисодий ва ҳам экологик самарага эга.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишлатилган мотор мойларини регенерациялаш ва кўмир саноатининг иккиламчи ресурсларидан фойдаланиб литий сурков мойлари олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

дисперс муҳит сифатида ишлатилган мотор мойлари ва тўлдирувчи сифатида майда дисперсли графит қўлланилган литий сурков мойлари “Ўзнефтгаз бурғилаш ишлари” МЧЖнинг бурғилаш устуни кронблокиннинг тебратиш подшипникларида мойлаш учун амалиётга жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил 6 сентябрдаги 04-17-5/130-сон маълумотномаси). Натижада юқори эксплуатацион хусусиятлари туфайли эскиришга чидамлилиқ ошган, ишқаланиш камайган, энергия сарф-ҳаражатлари қисқарган ва сезиларли тежамкорликка эришиш имконини берган;

кўмир саноати иккиламчи ресурслари билан модификацияланган литий сурков мойлари “Ўзнефтгаз бурғилаш ишлари” МЧЖнинг бурғилаш устуни кронблокиннинг тебратиш подшипникларини мойлаш учун амалиётга жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил 6 сентябрдаги 04-17-5/130-сон маълумотномаси). Натижада реологик хусусиятлар ишқаланиш зонасига оптимал миқдордаги пластик сурков мойининг етиб боришини таъминлаган, ишқанашувчи қисмларнинг эскириши 5-15% га камайган, хизмат муддатини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр қилинган. Улардан 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда чоп этилган илмий мақола бўлиб, шундан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топади. Диссертациянинг умумий ҳажми 105 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, мазкур диссертация ишининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти белгилаб берилган.

**Биринчи боб “Литий пластик сурков мойларининг тузилиши, таркиби ва хусусиятлари”** деб номланади ва унда пластик мойларни олиш ҳамда улардан фойдаланиш технологияларининг замонавий ҳолати, шу жумладан уларнинг таркиби ва асосий тавсифлари, уларни тайёрлаш усуллари ҳамда уларни ишқаланишнинг турли узелларида қўлланишига бағишланган адабиётлар таҳлили тақдим қилинган.


Диссертациянинг **“Ишлатилган қайта тикланган мотор мойлари асосидаги литий сурков мойлари”** деб номланувчи иккинчи боби ИММларни йиғиш, қайта тиклаш ва утилизация қилиш, ИММни адсорбцион тозалаш учун Ўзбекистондаги Навбахор конидаги ишқорли тупроқ бентонитидан фойдаланишнинг замонавий муаммосига бағишланган.

ИММ асосида саноатда эҳтиёж мавжуд бўлган Солидол Ж ва Литол-24 сурков мойларини олиш мақсадида ОММни тозалаш ўтказилди. Қайта тиклаш учун “SHELL HelixHX8 5W/30” русумидаги мотор мойи танлаб олинди.

Тозалаш ишлари қуйидаги схема бўйича ўтказилди: тиндириш, адсорбциялаш, центрифугирлаш, филтрлаш. Фойдаланиш олдин бентонитга дастлабки ишлов берилди.

Тозаланган ишлатилган мотор мойини таркибий ўзгаришларини аниқлаш учун ИҚ- спектрал таҳлили ўтказилди. Спектрлар Перкин-Элмер PE-100 ИҚ-Фурье-спектрометрда  $4000-650\text{ см}^{-1}$  оралиғини қайд қилди (1-расм).

Таъкидлаш лозимки, дастлабки ишлатилган мой спектри фақат  $\text{C} - \text{H} - 2854$  ва  $2924\text{ см}^{-1}$  боғлиқликдаги тебранишнинг валентли тўғри чизиқлари ва  $1458$  и  $1377\text{ см}^{-1}$  даги деформацион тебранишни ўзида сақлайди. Кўрсатилган ютилиш чизиқларидан ташқари, ароматик бирикмаларга асосланган  $722, 1605\text{ см}^{-1}$  кузатилади. Таъкидлаш лозимки, дастлабки ишлатилган мотор мойи спектри фақат  $\text{C} - \text{H} - 2854$  ва  $2924\text{ см}^{-1}$  боғлиқликдаги валентли тебраниш чизиқлари ҳамда  $1458$  ва  $1377\text{ см}^{-1}$ даги деформацион тебранишларни сақлайди. Кўрсатиб ўтилган ютилиш чизиқларидан ташқари ароматик бирикмаларга асосланган  $722, 1605\text{ см}^{-1}$ даги ютилиш чизиқлари ҳам кузатилади.



**1-расм. Ишлатилган мотор мойи (1) ва регенерацияланган мотор мойи (2) нинг ИҚ-спектрлари.**

Мойларни ишлатиш жараёнида уларнинг ароматиклиги ортиб боради. Ароматик углеводородлар концентрациясининг ўзгариши ароматик углеводородларнинг  $\text{C}-\text{C}$  цикли скелетли тебранишларига хос бўлган  $1605\text{ см}^{-1}$  частотасида аниқ кузатилади.  $\text{C}=\text{O}$  карбонал гуруҳи кислоталарининг ютилишнинг юқори нуқталарининг интенсивлиги бўйича ( $1714\text{ см}^{-1}$ ) мойнинг кислоталилик сони тўғрисида мулоҳаза қилиш мумкин. Ютиш чизиғининг тахминан  $1936 - 1937\text{ см}^{-1}$  га тенглиги оксидланишда моно ва 1,2-ди-ўрни босилган бензоллар ҳосил бўлишидан дарак беради. Интенсивликнинг ушбу ютилиш чизиғининг минимумигача пасайиши бензолларнинг бентонитли сорбент билан адсорцияланишини исботлайди. Мойларда тозалаш пайтида тўлиқ йўқ бўлмаган тўйинмаган ва ароматик углеводородларнинг пайдо

бўлиши регенерациялашда мойнинг дастлабки углеводород таркиби тикланмаслиги ва регенерацияланган мойнинг оксидланишга мойиллиги товар мотор мойиникидан юқори бўлишидан дарак беради. Кислоталилик сони ва Навбахор конининг ишқорли тупроқ бентонити билан тозаланган ИММнинг ИҚ-спекторлари натижалари регенерациялаш натижасида оксидланиш маҳсулотлари йўқолгани ва маҳсулотнинг ишлатишга яроқлилигини белгиловчи мойнинг асосий компонентлари сақлаб қолингани кўрсатди.

1-жадвалда акс эттирилган маълумотларга кўра, қотиш ҳарорати 7-8°C даражага пасайганини кўришимиз мумкин. Бу қатронли-асфальтен бирикмаларинг адсорбцияланиши билан боғлиқ. Уларнинг мой таркибидан йўқолиши депрессорли кўндирмалар таъсирининг тикланиши ва ёқилғининг ажратиб олиниши натижасида ҳароратнинг ортиши кераклигига қарамай, қотиш ҳароратининг пасайишига олиб келади.

Ўтказилган тозалаш натижасида чакнаш ҳароратининг 14 °С даражага ортиши юз берди. Тозалашнинг 120 °С даража ҳароратда ўтказилиши мойдан ёқилғи ва сувнинг ажралишига олиб келди. Ёқилғининг ажралиши, шунингдек 100 °С даражада қовушқоқликнинг 8 дан 10 мм<sup>2</sup>/с гача бироз ортишига олиб келиб, бу регенерацияланган мой таркибида паст молекулали углеводородларнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Кислота сонининг 2-2,5 баробар камайиши юз берди. Кислоталилик сонининг камайиши адсорбент сифатида ишқорли тупроқ бентонитидан фойдаланганлик билан асосланади (1-жадвал). 1-жадвалдан кўриниб турибдики, ишқорлилик қийматнинг 6,7 дан 5,5гача пасайиши юз берган. Ишқорлилик сони кўрсаткичи антиоксид ва бошқа ўз таркибида нафтенли халқаларни сақловчи кўндирмалар ҳисобига юз берганлиги, улар адсорбцияланиши билан асосланади.

Адсорбциялаш ва центрифугаланишдан сўнг механик аралашмаларнинг умумий миқдори камайди, бироқ ёнмайдиган аралашмалар миқдори ортди. Буни адсорбциялаш ва центрифугаланишдан сўнг органик аралашмаларнинг адсорбциялангани ва сорбентда қолгани билан тушунтириш мумкин. Шу билан бир вақтда центрифугалаш натижасида тупроқ тўлиқ чўкмаган, чунки 12,5 мкм дан кичик зарралар тозалашнинг мазкур режимда седиментацион чидамлиликини намоён қилдилар. Аммо тозаланган мойни филтрлашдан сўнг механик аралашмаларнинг миқдори 1,5-2 бараварга камайди. Мойни дастлабки тозаламасдан филтрлаш аралашмаларнинг бирозгина камайишига олиб келди. Бу ҳол мойни тозалаш учун филтрлашнинг ўзи камлик қилишидан дарак беради.

Тупроқнинг +0 ÷ -0,073 мм га тенг солиштирма юзаси катталиги бўйича фракциянинг +0,073 ÷ -0,25 мм солиштирма юзасига жуда яқин. Ҳар икки фракция учун тозалаш даражаси бир хил (1-жадвал). Шу сабабли мойни самарали тозалаш учун +0,073 ÷ -0,25 мм фракциядан фойдаланишнинг ўзи кифоя. Тадқиқотни амалга ошириш учун “SHELL HelixHX8 5W/30” русумидаги синтетик асосдаги ишлатилган ва регенерацияланган мотор мойидан фойдаланилди.

**Ишлатилган мотор мойларининг Навбахор конининг ишқорли тупроқ бентонити билан адсорбцияланишидан олдинги ва кейинги физик-кимёвий тавсифлари**

Кўрсаткич	5W-30 синтетик мойи						
	ДТС бўйича	Ишлатилган мой		Тозаланган мой			
		Фильтрланмаган	Фильтрланган	Фильтрланмаган		Фильтрланган	
				1 намуна	2 намуна	1 намуна	2 намуна
20 °C даги зичлик, г/см <sup>2</sup>	Кўпи билан 0,905	0,888	0,888	0,890	0,890	0,889	0,889
100 °C даги кинематик қовушқоқлик мм <sup>2</sup> /с	12,0 ±0,5	8,0	8,0	10,0	10,0	10,0	10,0
Очиқ тиглдаги чакнаш ҳарорати, °C	камида 180	152	152	186	166	166	166
Қотиш ҳарорати, °C	Кўпи билан -40	-41	-41	-47	-48	-48	-48
Ишқорлилик сони, КОН/г	Камида 8,8	6,7	6,7	5,4	5,5	6,5	5,5
Кислоталилик сони, КОН/г	-	2,6	2,6	1,2	1,3	1,2	1,3
Бензинда эримайдиган қолдиқ, %	Кўпи билан 0,015	0,38	0,35	0,28	0,27	0,13	0,12
Сув миқдори	Излар	излари	излари	Мажуд эмас	Мажуд эмас	Мажуд эмас	Мажуд эмас

Мой таркибларини аниқлашда Ўзбекистондаги “Chilon Lubricants” МЧЖ ХК томонидан ишлаб чиқарилган Солидол-Ж ва Литол-24 сурков мойлари базавий асос сифатида қабул қилинди. Солидол-Ж пластик сурков мойини тайёрлашда дисперли фаза сифатида 10, 20, 30 мас. % фоиз нисбатидаги синтетик ёғли кислоталарнинг кубли қолдиқлари(СЁККК)дан фойдаланилди. Литол 24 аналоги тозланган ишлатилган синтетик мойга 10, 15, 20 и 25 мас.% литийли совун киритиш билан олинди. Сурков мойлари олинганидан кейин ГОСТ 9.080 га кўра электр кимёвий ўлчаш мажмуаси ёрдамида коррозияга чидамлилик хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Адгезион хусусиятлар ГОСТ 7143 бўйича К-2ЖВ пластомер ўлчаш асбобида ҳамда мустаҳкамлилик тавсифлари турли ҳароратларда аниқланди. Иссиқликнинг ютуми ГОСТ 23630.2. бўйича ИТ-С-400 ўлчагичи ёрдамида баҳоланди. Сурков мойларининг эксплуатацион хусусиятлари, триботехник хусусиятларини ўлчашни ГОСТ 9490 бўйича автоматик тўрт шарли машина (ТШМ)да ўтказилди.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида дисперс муҳитни дисперс фаза билан аралаштириш орқали сурков мойларининг мақбул таркиблари

аниқланди. Дисперс муҳитни дисперс фаза билан аралаштиришнинг мақбул концентрацияларини аниқлаш учун қуйдаги нисбатлар қабул қилинди: 90 : 10 дисперсли муҳит (ds) ва дисперс фазаси (df); 80 : 20 (ds : df); 70 : 30 (ds : df). Таъкидлаш лозимки, 20 га 80 пропорциядан тузилган сурков мойи таркиби мойнинг 90 °С га тенг томчи тушиш ҳароратига эришиш имконини беради ва бу Солидол туридаги сурков мойи учун қўллаш мумкин бўлган қиймат саналади. Концентрациянинг у ёки бошқа томонга ўзгариши ижобий натижага олиб келмайди.

Литол-24 сурков мойини олиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда дисперсли фаза сифатида литийли совундан фойдаланилди. 2-жадвалда дисперсли муҳит (тозаланган синтетик асосдаги ИММ) билан дисперсли фазанинг аралаштирилишида томчи тумиш ҳароратининг ўзгариши кўрсаткичлари акс эттирилган.

## 2 -жадвал

### Мой таркибининг томчилаб томиши ҳароратининг дисперсли муҳит (тозаланган ишлатилган SHELL HelixHX8 5W/30 мойи) ва дисперсли фазага кўра ўзгариши

Кўрсаткич	Дисперсли муҳит (ds) нинг дисперсли фаза(df)га нисбати						
Томчи тушиш ҳарорати	90/10	88/12	86/14	84/16	82/18	80/20	78/22
	94	115	123	134	147	161	180

Таъриба-синов таркибларининг томчи тушиш ҳарорати қийматларини Литол-24 мойининг томчи тушиш ҳарорати билан таққослаш билан 82/18, 80/20 ва 78/22 концентрацияда у товар сурков мойларининг қийматларига яқинлашиши аниқланди. Шунингдек, бунда (df) миқдорининг 80/20 қийматидан ортиши сурков мойи таркибининг ўзгаришига олиб келиши ҳам аниқланди.

## 3-жадвал

### Сурков мойларининг реологик ва физик-кимёвий хоссалари

Кўрсаткичлар	Пластик сурков мойлари					
	Солидол-Ж (ГОСТ 4.23-83)	ИММ асосдаги аналог	Тозаланган ИММ асосдаги аналог	Литол-24 (ГОСТ 4.23-83)	ИММ асосдаги аналог	Тозаланган ИММ асосдаги аналог
Томчи тушиш ҳарорати, °С	75–80	70	90	185	150	180
25 °С даги пенетрацияси, $\times 10^{-1}$ мм	230–290	300	240	220–250	260	230
0°С ва 10 с <sup>-1</sup> даги самарали қовушқоқлиги, Па•с	250	280	235	280	290	260
Таркибидаги қўшимчалар (микроскоп остида)	мавжуд эмас	мавжуд	мавжуд эмас	мавжуд эмас	мавжуд	мавжуд эмас
Ташқи туси (ранги)	оч-жигар.	қора	оч-жигар.	сарғиш	қора	сарғиш
Коллоид барқарорлиги, %	13.0	13.0	8.0	12.0	13.0	10.0

ИММдан дисперс мухит сифатида фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун, тозаламанмаган ва тозалашдан кейинги ишлатилган синтетик мойлар асосида тайёрланган сурков мойларининг реологик ва физик-кимёвий хоссаларининг қиёсий тадқиқотлари ўтказилди (3-жадвал).


Сурков мойи таркибини мақбуллаштириш бўйича тадқиқотларнинг натижаларини умумлаштирган ҳолда ҳулоса қилиш мумкинки, тозаланмаган ишлатилган мотор мойлари асосидаги сурков мойлари асосий физик-кимёвий ҳамда реологик хоссаларига кўра меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб бермайди, таркибида аралашмаларни мавжуд, қора рангга эга, тозаланган ишлатилган мойларга нисбатан коллоид барыарорлиги паст.

Сурков мойларининг химоя хусусиятларининг электр кимёвий тадқиқотлари ГОСТ 9.080.га кўра ўтказилди. Ўрганилаётган сурков мойларининг пўлат юзаларининг химоя самарадорлиги ~40–55% ни ташкил қилади.

Адгезион хусусиятларни ўрганиш натижасида 1 мм қалинликда Солидол-Ж сурков мойини суртиш билан Р пластиналарини узиш учун керак бўладиган куч 0.39 кН ни ташкил қилиди, тозаланган ИММ асосида тайёрланган худди ўша дисперсли фазага эга солидолнинг аналогини қўллашда эса узиш учун керакли куч қиймати 0.30 кН га тенглигини кўрсатиб, бу ишлаб чиқилган сурков мойининг юқори даражадаги адгезион хусусиятларга эгаллигини исботлайди.

Тажириба-синовлар 10–100 °С ҳароратда олиб борилди. 10–15 °С ҳароратда товар Солидоли ИММ асосида тайёрланган бошқа тажириба-синов аналогларига нисбатан юқори чидамлилиқ хусусиятларига эгаллиги аниқланди. (2 а-расм).

Литол намуналарининг (2 б-расм) силжиш учун кучланиши Солидолнинг кўрсаткичларидан юқори бўлди, чунки Литол-24 туридаги сурков мойларининг таркиблари янада оғирроқ шароитларда ишлашга қодир ва юқори ишлаш хусусиятларига эга.



**2-расм. Силжиш кучланишининг силжиш тезлигига боғлиқ ўзгариши**

Сурков мойларининг иссиқлик сиғимини ўрганиш натижасида товар солидолини иситиш ҳароратининг кўтарилишида унинг иссиқлик хажми ортди ва 100-110°C ҳароратда 2300 Дж/(кг·К)га етди. Кейинчалик, ҳароратнинг ошиши билан сурков мойларининг иссиқлик сиғимининг пасайиши ва секин аста ўсиши кузатилди. Намуналарни иситиш вақтида барча ҳолатларда иссиқлик сиғими бирдек ошган ва максимал қиймат 2400 Дж/(кг·К) фақат минерал асосдаги Литол намунасида олинди.

Тозаланган ишлатилган синтетик мотор мойи ва унинг асосидаги сурков мойларининг эскиришни камайтириш қобилияти 20 °С ҳароратда 392 – 784 Н юклама оралиғида баҳоланди (4-жадвал).

#### 4 -жадвал

#### Синалаётган сурков мойларининг триботехник тавсифлари

№	1-юкلامалар қатори	2-юкلامалар қатори	Эскириш қиймати чегараси	Тозаланган мойнинг эскириш қиймати чегараси	Тозаланган мой асосидаги сурков мойининг эскириш қиймати чегараси	Литол-24 сурков мойининг эскириш қиймати чегараси
	Н	Н	(±0,15) мм	мм	мм	мм
1.	392		0,44	0,32	0,38	0,41
2.		416	0,45	0,31	0,39	0,40
3.		441	0,46	0,33	0,41	0,44
4.		465	0,46	0,34	0,42	0,44
5.	490		0,47	0,5	0,48	0,45
6.		519	0,47	0,62	0,55	0,57
7.		549	0,48	0,65	0,63	0,63
8.		588	0,49	0,71	0,74	0,75
9.	617		0,49	0,9	1,02	0,88
10.		657	0,50	0,95	2,5	2,8
11.		696	0,51	1,03	2,78	2,92
12.		735	0,51	1,2	3,1	2,93
13.	784		0,52	2,4	бузилди	3,3


Диссертациянинг “Кўмир саноатининг иккиламчи ресурсларини модификация қилиш ва литий сурков мойларида майда дисперсли графитдан фойдаланиш” деб номланувчи учинчи боби графит ва унинг модификацияларини сурков мойларига қўшимча ёки тўлдирувчи сифатида ишлатиш ҳамда уларнинг таъсир қилиш механизмларига бағишланган. Ангрэн кўнғир кўмирининг графитли тўлдирувчили литий сурков мойларининг реологик ва триботехник хусусиятлари аниқланди. Дсперслилик ва графитли тўлдирувчилар миқдорининг литий сурков мойларининг хусусиятларига таъсири ўрганилди. Тажриба-синовни ўтказиш учун базавий сурков мойлари тайёрланди, сўнг эса уларга уч ўрамли силлиқлаш машинаси ёрдамида Ангрэн кўнғир кўмирининг графитли тўлдирувчилари қўшилди (оғирликнинг 4 % нисбатида). Олинган сурков мойларининг реологик хусусиятларини баҳолаш

натижалари 5-жадвалда келтирилган. Дисперслиги 150-170 ва 1-10 мкм бўлган 4 % масс. концентрациядаги литий сурков мойининг реологик хусусиятларини баҳолашда мустаҳкамлик чегараси ва коллоид барқарорлик бироз ўзгарди; самарали қовушқоқлик барча графит қўшимчалари учун ўзгарувчан бўлади. 1-10 мкм дисперсликдаги графит концентрациясининг литий сурков мойининг термо мустаҳкамланишига таъсирин баҳолашда қўшимчанинг самарадорлиги куйидаги тарзда ошиб борди (3-расм).

### 5-жадвал

#### Турли дисперсликдаги графит қўшимчалари қўшилган литий сурков мойларининг реологик хусусиятлари (оғирликнинг 4 %)

Кўрсаткичлар	Қўшимчасиз	Графитли литий сурков мойи	
		150-170 мкм	1-10 мкм
1. Силжишга мустаҳкамлик чегаралари $10 \text{ с}^{-1}$ , Па, 20 °С 50 °С 80 °С	700	650	720
	450	400	500
	300	300	320
2. Самарали қовушқоқлиги $D=10 \text{ с}^{-1}$ , Па·с, 0 °С 20 °С 50 °С	180	182	220
	155	155	160
	75	78	75
3. Коллоид барқарорлиги, %	15,4	13,0	13,1



#### 3-расм. графит концентрациясининг термо мустаҳкамланишга таъсири (%)

деярли ҳамма вақт дисперслиги 150-170 мкм бўлган графитдан юқори бўлди. SRV вибротрибометрда ишқаланиш коэффиценти ва графит қўшимчали сурков мойларининг  $D_i$  кўрсаткичлари ёмонлашади. Буни контакт зонасида суртиш қатламининг гетерогенлиги билан тушунтириш мумкин. Фалекс-1 ишқалаш машинасида 150-170 мкм дисперсликдаги графит қўшимчали сурков мойлари учун дастлабки мойлашдан 2 марта юқори, 1-10 мкм дисперсликдаги

Литий сурков мойининг триботехник хусусиятларини баҳолаш натижалари 6-жадвалда келтирилган.


Графит қўшилган сурков мойларининг триботехник хусусиятларини баҳолашда ТШМ билан синаб кўришда литий сурков мойларида дисперслиги 150-170 ва 1-10 мкм бўлган графит қўшимчалари  $R_k$ ,  $I_3$ ,  $D_i$  кўрсаткичларни яхшилади ва  $R_c$  кўрсаткичини сезиларли даражада оширади. Дисперслиги 1-10 мкм графитнинг самарадорлиги

кўшимча учун эса 3 марта юқори. SRV вибротрибометрда синовдан ўтказишда, графит кўшимчали сурков мойларининг кўрсаткичлари дастлабки сурков мойларига қараганда ёмонроқ бўлди.

#### 6-жадвал


#### Турли дисперсликдаги графитлар кўшилган литий сурков мойларининг триботехник хусусиятлари (10 % масс.)

Кўрсаткичлар	Кўшимчасиз	Графитли литий сурков мойи	
		150-170 мкм	1-10 мкм
1. Тўрт шарчали машина ТШМ: - кескин юклама, Н - пайвандлаш юкламаси, Н - задир индекси, Н - 392 Н юкламада эскириш доғининг диаметри, мм	630 1260 340 1,10	750 2720 460 0,80	790 3360 530 0,75
2. Вибротрибометр SRV: - ўрнатилган ишқаланиш коэффиценти - эскириш доғининг диаметри, мкм	0,16 1,3	0,21 1,9	0,18 1,7
3. Фалекс-1 машинаси: - юк кўтариш қобилияти, Н	ажратилма йди.	2540	3160




#### 4-расм. Кўмир чанги концентрациясининг литийли мойлаш материалининг мустахкамлиги чегарасига таъсири

Литий сурков мойларининг реологик хусусиятларини баҳолашда (4-6-расмлар) дисперслиги 1-10 мкм бўлган графит кўшимчаси концентрациясининг ошиши билан “силжиш учун чидамлилиқ чегараси” ва “самарали қовушқоқлик” кўрсаткичларининг монотон тарзда ўсиши ҳамда прессланаётган мой миқдорининг (“колоидли барқарорлик” кўрсаткичи) камайиши юз бериши аниқланди.




Дисперслиги 1-10 мкм бўлган графитнинг концентрацияси

**5-расм. Графитли тўлдирувчи концентрациясининг литийли мойлаш материалининг самарали ёпиқоқлигига таъсири**



Дисперслиги 1-10 мкм бўлган графитнинг концентрацияси



Дисперслиги 1-10 мкм бўлган графитнинг концентрацияси

**6-расм. Графитли тўлдирувчи концентрациясининг литийли мойлаш материалининг коллоидли барқарорлигига таъсири**

**7-расм. Нуқтали контакт шароитида графит дисперслигининг литийли мойлаш материалининг триботехник хусусият-ларига таъсири**

Литий сурков мойларининг триботехник хусусиятларини баҳолашда (7-расм ва 7-жадвал) дисперслиги 1-10 мкм бўлган графит қўшимчаси концентрациясининг ошиши тўрт шарчали машинадаги (Рк, Рс и Из) ва Фалекс-1 ишқалаш машинасидаги (Рнс)ги задирага қарши хусусиятларини оширади.

Тўрт шарчали машинадаги эскиришга қарши хусусиятлар (Д<sub>и</sub> кўрсаткич) мақбул концентрация диапазони – 3-7,5 % масс. билан тавсифланади, SRV вибротрибометр ёрдамида аниқланувчи ишқаланишга қарши ва эскиришга қарши хусусиятлар дисперслиги 1-10 мкм бўлган графит



гомогенлаштирувчи клапан, 19 - конденсатор, 20 - вакуумли насос, I – қўшимча, тўлидрувчи, II – металл гидроксид эритмаси, III - совунланадиган компонент, IV - мой, V – тайёр маҳсулот, VI - конденсат, VII – конденсат бўлмаган газлар.

Шундан сўнг, қўшимчаларни қўшиш учун мойлаш материали 145 – 165 °С ҳароратгача совутилади ва ундан сўнг, қисмловчи насослар билан аралаштирилган қоришмани скребкали музлатгич, гомогенизатор ва деаэраторга ва охирида кейинги қадоқлаш учун тўплагичга ўтказилади. Амалдаги реакторлар сони белгиланган маҳсулодрликни амалга ошириш учун барча тугунларнинг узлуксиз ишлашини таъминлашга кўра танланади. Тавсия қилинган маҳсулдорлик 27 тон/кун.

## ХУЛОСА

Кўмир саноатининг иккиламчи ресурслари билан модификацияланган импорт ўрнини босувчи литий сурков мойларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари хулосалари қуйидагича:

1. Ўзбекистондаги Навбахор конининг ишқорий тупроқли бентонитининг 0,073-0,25 мм фракцияларидан фойдаланиб ва ҳарорат 80-120°С оралиғида ИММдан намликни, тўйинмаган углеводородларни, азотли ва олтингугуртли бирикмаларни максимал йўқотиш ҳамда унинг оч рангга киришига (очариши) таъсир қилувчи адсорбцион тозалаш учун фойдаланишнинг самарадорлиги исботланди, регенерациялашнинг мақбул шарт-шароитлари белгиланди.

2. Ўзининг асосий физик-кимёвий хоссаларига кўра товар базавий мойлар асосида ишлаб чиқилган литий пластик сурков мойларининг аналогларидан кам бўлмаган ишлатилган синтетик мотор мойлар базасида тайёрланган сурков мойларининг рационал таркиби ишлаб чиқилди.

3. Ангрен конидаги графит ва унинг модификацияларини тўлдирувчи сифатида қўллаш ҳисобига юқори триботехник хусусиятларга эга сурков мойларини ишлаб чиқиш имконини берадиган янги илмий ва тажриба-синов натижалари олинди.

4. Графит қўшимчасининг концентрацияси ва дисперслигининг литий сурков мойларининг триботехник хусусиятларига таъсири ишқаланувчи жуфтликнинг ўзаро алоқа шаклига боғлиқлиги аниқланди.

5. Литий сурков мойларини ишлаб чиқаришнинг мавжуд схемаси кўндирма ва тўлдирувчиларни тайёрлаш учун қўшимча қурилмани ўрнатиш орқали модернизация қилинди.

6. Тўлдирувчи сифатида майда дисперсли графит ва унинг модификацияларидан фойдаланган ҳолда танлаб олинган мотор мойлари асосида импорт ўрнини босувчи литий сурков мойлари ишлаб чиқилди ва оғир юкламали ишқаланиш тугунларида қўллаш учун тавсия қилинди.

7. Ишлаб чиқилган литий пластик сурков мойларидан фойдаланишдан олинадиган иқтисодий самара ишлаб чиқарилган сурков мойининг бир килограммига 1312 сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/28.02.2022.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**АЗИМОВА ШОДИЯХОН АБРАРОВНА**

**ПОЛУЧЕНИЕ ИМПОРТОЗАМЕЩАЮЩИХ ЛИТИЕВЫХ СМАЗОК  
МОДИФИЦИРОВАННЫХ ВТОРИЧНЫМИ РЕСУРСАМИ УГОЛЬНОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**02.00.08 - Химия и технология нефти и газа**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара-2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.2.PhD/T1707.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.bmti.uz](http://www.bmti.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

Научный руководитель:	<b>Арсланов Шарафутдин Султанович</b> доктор химических наук, профессор
Официальные оппоненты:	<b>Хамидов Босит Набиевич</b> доктор технических наук, профессор <b>Абдурахманов Олим Рустамович</b> доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	<b>Ташкентский государственный технический университет имени И.Каримова</b>

Защита диссертации состоится «20» мая 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/28.02.2022.T.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. Каюма Муртазаева, дом 15. Тел.: (+99865)223-68-42; Факс: (+99865) 223-78-84. e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (зарегистрировано под № 370) (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. Каюма Муртазаева, дом 15. Тел.: (+99865) 223-68-42).

Автореферат диссертации разослан «6» мая 2022 года.  
(Реестр за № 10 от 18 февраля 2022 г).



**Н.Р. Баракаев**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**Р.Р. Хайитов**  
учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.т.н., ст.науч.сот.

**Х.Б. Дустов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней  
д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время последовательная работа по комплексному развитию топливно-энергетической, химической, нефтегазовой отраслей и диверсификации источников энергии во всем мире приводит к увеличению спроса на топливосберегающие смазочные материалы. В связи с этим в настоящее время проблема обеспечения возрастающей потребности отраслей экономики и технологии в энергоресурсах, в частности в смазочных материалах актуальна.

В мире проводятся значительные исследования по изучению проблемы регенерации отработанных моторных масел (ОММ), экологически безопасного использования вторичных ресурсов угольной промышленности. В связи с этим особое внимание уделяется подбору подходящего сырья для производства пластичных смазочных масел, изучению оптимального температурного режима процесса получения пластичных смазочных масел, изучению свойств и механизмов действия литиевых смазочных масел, разработанных с добавлением графитовых наполнителей, разработке технологии получения литиевых смазочных масел на основе ОММ и с добавлением вторичных ресурсов угольной промышленности.

В Республике придается большое значение модернизации химической, металлургической и нефтегазовой промышленности, переводу промышленных предприятий на местное сырье, получение на их основе новых материалов, пригодных на экспорт. Достигнуты научные и практические результаты в получении пластичных смазок на основе местного сырья и применение их в различных отраслях промышленности, а также регенерации отработанных моторных масел. Стратегия развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы включает такие важные цели, как «Широкое внедрение инноваций в экономику, развитие кооперационных связей промышленных предприятий и научных учреждений»<sup>2</sup>. В этом плане приобретает особое значение повышению эффективности максимального вовлечения вторичных ресурсов в переработку, что улучшит экономику республики за счет импортозамещения – организация производства высокоэффективных смазочных материалов из местного сырья на территории республики.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», ПП-3479 от 17 января 2018 «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

видами продукции и сырья», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV «Теоретические основы химии, химической технологии и нанотехнологий».

